Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 102 (5093).
6 МАЙ 1983 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• ПЕШҚАДАМ КОЛЛЕКТИВЛАРГА—БАЙРОҚЛАР

БАЛЛИ СИЗГА, МЕТРОПОЛИТЕНЧИЛАР!

Қувончли хушхабар В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенининг барча хизмат ва бўлинмаларига тез тарқалди. Беш йилликнинг марказий йили биринчи кварталидаги социалистик мусобақа якунлари бўйича коллектив СССР темир йўллар министрлиги ҳамда темир йўл транспорти ва транспорт қурилиши ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. СССР темир йўллар министрининг ўринбосари В. П. Калиничев кеча тантанали вазиятда метрополитенчиларга ана шу байроқни топширди. Байроқ топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов иштирок этдилар.

Тошкент ер ости йўлининг коллективи йил бошидан бери аниқ, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қиляпти. Биринчи кварталда пассажирлар ташиш плани 107,7 процент бажарилиб, планга қўшимча 1 миллион 800 минг ҳамшаҳримизга хизмат кўрсатилди. Шу билан бирга меҳнат унумдорлиги 11 процентдан зиёдроқ ошди, пассажирлар ташиш таннарҳи пландагига нисбатан 7,3 процентга камайди. 450 минг киловатт-соатга яқин электр энергия иқтисод қилиб қолинди.

Бугунги кунда ҳам метрополитен коллективи бутун куч-ғайратини қабул қилинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга сафарбар эта бориб, зарбдорларча меҳнат қилишда давом этмоқда.

Тошкент метрополитенининг коллективи тортиш техникасини, вагонларни социалистик муҳофазага олишга, поездларнинг соз ҳолатда сақланишига кафолат беришга даъват этган Москва-Сортировочная депосининг илғор машинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Соколовнинг ташаббусини муҳокама этиб, қўллаб-қувватлади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Тошкент метрополитенининг бошлиғи Ш. Шоабдураҳимов, электропоезд машинисти, шаҳар Советининг депутати Г. Майоров, марказлаштириш постининг навбатчиси У. Набиева, сигнализация ва алоқа хизмати комсомол ташкилотининг секретари М. Берегович ўз сўзларида коллектив меҳнатига берилган юксак баҳо учун миннатдорчилик изҳор этдилар, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларига амал қилиб, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини ортиғи билан бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирамиз, деб ишонтирдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОНЛАР



ТОШКЕНТ. 1983 йил, 6 май. Аэропортда кутиб олиш.

ЎзТАГ фотохроникаси.

ГДР делегацияси Тошкентга келди

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигидаги Германия Демократик Республикасининг партия-давлат делегацияси 6 майда Тошкентга келди. Делегация КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Э. Хонеккер билан бирга ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Аксен, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари В. Фельфе, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари И. Герман, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Давлат хавфсизлиги министри Э. Мильке, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Германия либерал-демократик партияси раиси М. Герлах, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Германия халқ-демократик партия раиси Г. Хоман, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Германия деҳқонлар демократик партиясининг раиси Э. Мекклен-бург, ГДР Миллий фронти миллий кенгашининг президенти Л. Кольдиц, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер, христиан-демократик иттифоқ раисининг ўринбосари Г. Теплиц, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети халқаро алоқалар бўлими мудири Г. Зибер, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДРнинг СССРдаги элчиси Э. Винкельман Ўзбекистон пойтахтига келдилар.

ГДР делегациясига ҳамроҳлик қилаётган КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Костандов, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов, КПСС Марказий Комитети секторларининг мудирлари А. И. Мартинов, М. К. Киселёв, СССР ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири А. П. Бондаренко, бошқа расмий кишилар Тошкентга келдилар.

... Тошкент аэропортида Германия Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат байроқлари кўтарилган, немис, рус ва ўзбек тилларидаги табрик транспарантлари товланиб турибди. Азиз меҳмонларни кутиб олиш учун шаҳар меҳнаткашларининг юзлаб намояндалари аэропортга келганлар.

Самолёт аэропорт биноси ёнига келиб тўхтайди. Э. Хонеккерни, делегациянинг бошқа аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон ССР министрлари, давлат комитетларининг раислари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари самимий табриклаб кутиб олдилар.

Мотоциклчилар эскорти ҳамкорлигидаги автомашиналар кортежи аэропортдан ГДР партия-давлат делегациясига ажратилган қарорғоҳга йўл олади. Бутун йўл бўйлаб Тошкент меҳнаткашлари меҳмонларни самимий табриклаб турдилар.

(ЎзТАГ).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАРГА ЧИҚДИЛАР

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигидаги Германия Демократик Республикасининг партия-давлат делегацияси 5 майда Москвадан Олмаотага жўнаб кетди. Делегация КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Внуково аэродромида самолёт пиллапояси ёнида Э. Хонеккерни, делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов самимий, қардошларча кузатиб қолдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Тализин, СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. Н. Ментешашвили, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. В. Шарапов, СССР Министрлари Б. П. Бугаев, Т. Б. Гуженко, В. Н. Поляков, А. И. Шокин, СССР Давлат комитетларининг раислари С. Г. Лапин, В. М. Чебриков, ТАСС Бош директори С. А. Лосев, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари О. Б. Рахманин, СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари В. Г. Куликов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. Х. Шахназаров, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Д. С. Никифоров, бошқа расмий кишилар ҳам немис ўртоқларни кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги элчихонаси дипломатия ходимлари бор эди.

Германия Демократик Республикасининг партия ва давлат арбобларига гуллар тақдим этилди.

Меҳмонлар шарафига аэродромда ГДР ва Совет Иттифоқининг Давлат Байроқлари кўтарилди, СССР Қуролли Кучлари уччала тури — қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари ва Ҳарбий-Денгиз Флоти намояндаларининг фахрий қоровули саф тортди. Оркестр иккала мамлакатнинг Давлат гимнларини ижро этди.

Ю. В. Андропов билан Э. Хонеккер совет қўшинлари сафини айланиб чиқдилар.

Аэродромда ҳозир бўлган пойтахт меҳнаткашларининг намояндалари, Москвада таълим олаётган ва ишлаётган ГДР гражданлари Ю. В. Андропов, Э. Хонеккер ўртоқларни, СССР ва ГДРнинг бошқа раҳбар арбобларини қизғин қарсаклар билан табрикладилар.

Кузатиб қолишга бағишланган тантанали маросим охирида фахрий қоровул марш қилиб ўтди.

ГДР партия-давлат делегациясининг сафарида унга КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Костандов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири А. П. Бондаренко, бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқдалар.

* * *

Олмаотада делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, республиканинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Қардош мамлакат вакиллари Шон-шуҳрат ёдгорлигини зиёрат этиб, гулчамбар қўйдилар.

* * *

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетида Д. А. Кунаевнинг Э. Хонеккер бошчилигидаги ГДР партия-давлат делегацияси билан суҳбати бўлиб ўтди.

Немис ўртоқлар республика партия ташкилотининг КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини, Озиқ-овқат программасини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов ўртага қўйган вазифаларни бажариш соҳасидаги фаолияти билан таништирилди. Меҳмонлар Қозоғистонда амалга оширилган жуда катта социал-иқтисодий ва маданий ўзгартишларни билиб олдилар.

Э. Хонеккер Олмаотада делегация шодиёна ва меҳмондўстлик билан кутиб олинганлиги учун самимий ташаккур айтди. Қозоғистон деганда, ГДР меҳнаткашлари космосни ва қўриқ ерларни ўзлаштиришни, унинг Совет Иттифоқи саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган жуда катта ҳиссасини тасаввур этадилар, деди у. Қозоғистон — ленинча миллий сиёсат турмушда рўёбга чиққанлигининг ёрқин мисолидир.

Меҳмон ГБСПнинг ГДРда ривожланган социалистик жамият қуриш борасида янги вазифаларни ўртага қўйган партия X съездининг қарорларини бажариш соҳасидаги ишларини, мамлакатнинг иқтисодий ва илмий-маданий ютуқларини гапириб берди. Бизнинг ҳамма муваффақиятларимиз, деб уқтирди у, Совет Иттифоқи билан иқтисодий ва савдо ҳамкорлигига мустаҳкам равишдан боғлиқдир.

Э. Хонеккер Москвада муваффақиятли равишда тугалланган музокаралар ҳақида гапириб, бу музокараларнинг ГДР ва СССР халқлари қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлаш учун бениҳоя муҳим аҳамиятини таъкидлади.

Биз ўртоқ Ю. В. Андропов баён этиб берган янги тинчлик ташаббусларини табриклаймиз, деди ГДР делегациясининг бошлиғи. Бу ташаббуслар хусусида ҳозирнинг ўзидаёқ халқаро миқёсда кўпдан-кўп фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Ю. В. Андроповнинг Кремлдаги зиёфатда сўзлаган нутқи социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди, тинчлик учун курашда барча халқларга янги омил берди. ГДР бутун дунёда кескинликни юмшатишни ва тинчликни мустаҳкамлаш учун бутун кучни ишга солаверади.

Самимий, дўстона суҳбатда К. В. Русаков, Қозоғистоннинг партия ва совет раҳбарлари, делегациянинг сафарида унга ҳамроҳлик қилаётган расмий кишилар иштирок этишди.

* * *

ОЛМАОТА, 6 май. ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигидаги ГДР партия-давлат делегацияси бугун Қозоғистоннинг диққатга сазовор жойлари билан танишувни давом эттирди.

Октябрь революциясининг 50 йиллиги номидаги Олмаота ип-газлама комбинатининг ишчи ва хизматчилари ГДР вакилларини самимий, қардошларча кутиб олдилар. Коллектив вакиллари билан учрашувда ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг нутқ сўзлади.

Э. Хонеккер, делегация аъзолари баланд тоғдаги Медео спорт комплексини кўздан кечирдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков, бошқа расмий кишилар делегация билан бирга бўлдилар.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети ГДР делегацияси шарафига нонушта зиёфат бердилар.

Куннинг иккинчи ярмида делегация Тошкентга жўнаб кетди.

Аэродромда делегацияни Д. А. Кунаев, Қозоғистоннинг бошқа раҳбарлари кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

Юбилей теплоходи

БЕРЛИН. Бойценбургдаги (Шверин округи) кемасозлик корхоналарининг ишчилари СССР буюртмасига биноан қурилган юзинчи, юбилей теплоходини совет дарёчиларига топширдилар. Теплоходга улуғ рус ёзувчиси Ф. М. Достоевский номи берилди ва у кема денгиз пароходчилиги учун мўлжалланган.

Бойценбургдаги кемасозлик корхонаси ташкил этилганига 10 йилдан ҳам кўпроқ вақт бўлди. Шу вақт ичида корхона энг йирик замонавий кемасозлик корхоналаридан бирига айланди. Бу ерда янги йиғув цехи ишлаб турибди, асбоб-ускуналар доимо модернизация қилиниб, меҳнат сарфини анча камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берадиган ишлаб чиқариш жараёнлари ўзлаштирилмоқда.

Корхона меҳнаткашлари қарийб 360 пассажир сиғадиган тўрт палубали денгиз теплоходларини Совет Иттифоқига етказиб бермоқдалар. Ҳозирги вақтда шу типдаги кемалар Волга, Днепр, Амур дарёлари ва бошқа катта дарёларда қатнамоқда. Корхона раҳбарларининг айтишларича, совет буюртмаларининг бажарилиши коллективнинг ижодий активлигини ривожлантиришга, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун курашни кучайтиришга, социалистик мусобақани кенг авж олдиришга имкон бермоқда.

Иккиламчи хом ашёдан фойдаланиб

БЕРЛИН. ГДРда халқ хўжалигининг турли тармоқларида иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш тобора катта роль ўйнамоқда. Кейинги йилларда қоғоз ишлаб чиқариш учун ҳар йили 550—570 минг тонна макулатура қайта ишланмоқда. Шиша идишдан такрор фойдаланишда ҳам яхши натижаларга эришилди: бултур бу тадбир деярли 30 миллион маркалик хом ашё ва материални тежаш имконини берди. Республикада йил бўйи темир-терсак тўплаш ишлари ғоят кенг кўламда олиб борилмоқда.

Шу нарса диққатга сазоворки, иккиламчи хом ашёни тайёрлаш учун республиканинг бутун территориясида ишлаб турган давлат қабул пунктларининг кенг тармоқлари билан бир қаторда жамоатчилик асосида ишлаётган пунктлари тобора кенг оммалашмоқда. Шундай пунктларни жойлаштириш учун эски ертўлалар, саройлар ва бошқа бўш ётган биноларда фойдаланилмоқда. Ҳозир ГДРнинг турли округларида 200 дан кўпроқ шундай пунктлар ташкил қилинган бўлиб, уларда пенсионерлар, студентлар ва юқори синф ўқувчилари ишламоқдалар.

ЧИЛИ МЕҲНАТКАШЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК

БЕРЛИН. Хотин-қизлар халқаро демократик федерацияси Чили охранкасининг Чили пойтахтида Биринчи Май намойиши қатнашчиларидан ўч олганлиги муносабати билан кескин норозилик билдирди. Федерациянинг бу ерда тарқатилган баёнотида қамоққа ташланган намойишчилардан уч юз кишининг тақдири ва ҳаётидан ғоят ташвишланаётганлигини билдирди.

Хотин-қизлар Халқаро демократик федерацияси Чили меҳнаткашлари билан бирдамлик изҳор этади ва озодлик ҳамда демократия учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайди, деб таъкидланади ҳужжатда.

МАТБУОТ КУНИГА БАҒИШЛАБ

5 май куни Тошкентдаги А. Навоий номли театрда Совет матбуоти кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг бош редактори, республика Журналистлар союзи правлениесининг секретари Р. А. Нуруллин шонли сана тўғрисида доклад қилди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, партия XXVI съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқларида ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш соҳасида оммавий ахборот воситалари жуда катта роль ўйнаётганлиги йиғилишда таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган муваффақиятлар учун В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг доценти, криминалистика кафедрасининг мудири ўртоқ Ўроқ **Очиловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист»** фахрий унвони берди.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

тонгги газеталарда

▲ 5 май куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов КХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Кампучия Халқ Республикасининг мудофаа министри Бу Тхонг билан учрашди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар муҳокама қилинди.

▲ 5 май куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оммабоп илмий-ишлаб чиқариш журнали — «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журналининг 60 йиллигига бағишланди. Республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов тантанали вазиятда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини редакция коллективига топширди. Журнал республика кўп тармоқли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига, қишлоқ хўжалик фани ва илғор тажриба ютуқларини пропаганда қилишга катта ҳисса қўшганлиги муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлган эди.





ОБЪЕКТИВДА — КАРЛ-МАРКС-ШТАДТ ШАҲРИ

СУРАТЛАРДА: совет ҳайкалтароши Л. Кербель яратган Карл Маркс ҳайкали олдида; Карл Маркс номидаги «ФЕБ Нумерик» корхонасининг цехида.

АДН-ТАСС фотолари.

ШАҲРИМ, ҚАСРИМ, ФАХРИМ

(БАҒИШЛОВ)

Улкан ва муҳташам қасрлар гўё йилнома саҳифаларига ўхшайди. Фарқи шуки, йилнома саҳифаларидан келажакка назар ташлайсиз, қасрлари олдида эса мозийга шўнғийсиз.

Икки ярим минг йиллик шаҳар —Афросиёбнинг ажиб расмлари, Хеванинг қадимий миноралари... Меъморлар тасаввурича бу фоний дунёдан жаннатга элтувчи зинали Шоҳизинда... Бухорода Исмоил Сомоний мақбараси... Улар қуёшли ўзбек ерида ўнлаб ва юзлабдир.

Илдизи ҳақиқатга туташ афсоналарни эсга олинг. Машҳур халқ достони «Алпомиш»дан бир эпизодни ёд этинг: Алпомиш ўз йигитлари билан қалмоқ юртида жодугар кампирга дуч келади. Жодугарнинг макр-ҳийласи билан қўлга тушади: дўстлари ўтда куйиб, ўзи қудуққа йиқилади. Юрт эгаси Тойчахоннинг қизи Тавкаойим мард Алпомишни ғойибдан севиб қолади. Уни қутқариш ниятида қудуққача лаҳм кавлаб боради. Бироқ лаҳм оғзидан Алпомишнинг калласи ўтади-ю, елкаси сиғмай қолади. Яхшиямки, унинг қунига дул-дул оти ярайди...

Бу бир афсона. Асрлар ўтди. Лаҳмлар йўлакларга, йўлаклар саройларга, саройлар ўз асрига монанд метрополитен қасрларига айланди.

Дастлабки ер ости йўли Лондонда қурила бошлаганида Россияда крепостной ҳуқуқ. Ўрта Осиёда феодализм ҳукм сурарди. Трамвайлар йўқ эди, автомобиллар кашф ҳам қилинмаганди. Бу метросослиқда илк босқич эди.

Иккинчи босқичда олдинги тажрибалардан фойдаланиб, Россияда ҳам ер ости саройлари қуришга киришилди. Ўшанда: «Русларга қаранг, ер остига бир-икки минут кириб чиқиш учун миллионлаб тонна тупроқ кавлашяпти. Аҳмоқона иш» деган чет эллиқлар ҳам бўлди.

Учинчи босқичга келиб эса ўша оқ билакли, «ақли» тўла чет элликларнинг ўзлари ҳам «ер остига бир-икки минут кириб-чиқиш учун миллионлаб тонна тупроқ «кавлаш»га тушдилар. Негаки, бу давр транспортнинг автомашина, автобус, трамвай, троллейбус сингари ҳамма турлари тараққий этиб, кўча ҳаракати тиғизлашиб борган даврга тўғри келди. Йирик шаҳарларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида қийинчиликлар туғилди. Замон ер ости йўллари заруриятини тақозо этди. Метро қурилиши авж олиб кетди.

Бугунги кунда совет метрососларини Прага ва Будапештда учратиш мумкин. Варшава ва Софияда қурилаётган метрополитен лойиҳаларининг авторлари ҳам бизнинг олимларимиз ва инженерларимиз бўлди. Калькутта, Истамбул ва Загреб метролари лойиҳалари эса навбат кутиб турибди.

Биргина ўзимизда ҳозир еттита метро ишлаяпти. Москва, Ленинград, Киев, Боку, Тбилиси, Харьков, Тошкент! Еттинчиси— Ереван метроси ҳам тахт. Навбатда Минск, Горький, Новосибирск, Свердловск...

Тошкент тарихи минг йиллар билан ўлчанади. У жаҳондаги энг мўйсафид шаҳарлар—Рим Самарқанд билан ҳам ёш талашади. Аммо унинг довруғи Совет ҳокимияти йилларидагина ошди. Ниҳояти бундан олтмиш йил муқаддам шаҳар 9 минг гектар майдонни эгаллаб, чорак миллион аҳоли истиқомат қиларди. Эндиликда у ўз аҳолисининг сони жиҳатидан Иттифоқимизда — Москва, Ленинград, Киевдан сўнг тўртинчи ўринда туради. Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда шаҳар аҳолиси сони 2 миллионга яқинлашиб қолди. Бунинг устига зилзиладан кейинги реконструкция муносабати билан Тошкент территорияси 23 минг гектарга кенгайди. Бу шаҳримизда метро қурилиши нақадар заруллигини тақозо этди.

Кейинги йилларда шаҳарнинг кенгайиб бориши ишлаб чиқариш объектлари билан турар жой бинолари орасидаги алоқани янада қийинлаштирди. Гарчи транспорт воситалари кун сайин кўпайса-да, қатнов масаласи ҳамон проблема бўлиб қолаверди. Тошкент кўчалари бўйлаб ҳозирги кунда 3 мингга яқин трамвай, троллейбус ва автобуслар қатнаяпти. Аммо шаҳар транспорти учун бундай катта рақам ҳам аҳолининг қатнов эҳтиёжини таъминлай олмади. Фақат метро қурилиши ва унинг ниҳоясига етказилишигина бу муаммони ҳал қила олиши мумкин.

Ҳар йили юз миллиондан ортиқ йўловчи ташишга мўлжалланган Тошкент метрополитенининг тараққиёт схемаси 50 километр узунликдаги учта линия қуришни кўзда тутади. Унинг умумий тармоғи «Ж» ҳарфи шаклида бўлади. Биринчи навбатда Чилонзор билан Горький майдонини туташтирувчи линия эди: у ниҳоясига етди!

Собир Раҳимов станцияси. Ўзбек генерали барельефи. «Ғалаба!» салюти панноларидан...

«СССР 50 йиллиги» станцияси... Қизил гранит билан қопланган платформада СССР герби билан ўн беш республика байроқлари....

Ҳамза станциясида «Ҳамза — Шарқ Маяковскийси» кошинкорлик панноси... вестибюлларда биллур қандиллар... Керамика нақшинлари ва уста Маҳмуд Усмоновнинг шогирдлари ишлаган ўймакорлик санъати...

Кўз очиб юмгунча Инқилоб майдонидасиз. Кўп сонли йўловчилар қатори шитоб билан келиб тўхтаган поездга тушасиз. Репродуктордан «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар, ёпилади. Кейинги станция — Ҳамид Олимжон!» деган овоз эшитилади.

Поезд ўрнидан жилади.

Рўпарамизда икки кекса ўзаро суҳбатлашиб келяпти.

— Ҳамид Олимжон, Пушкин, Горький... Адиблар линияси — дейди улардан бири.

— Ҳа, деб тасдиқлайди ёнидаги ҳамроҳи, — Ҳамидни биламиз. Ҳаётлигида раҳматли бу йўналишдан Чирчиқ бўйларига, Чимён тоғларига, Ёзувчилар союзининг Дўрмондаги боғига тез-тез ўтиб турарди. Асакинский майдонларини неча бор илҳом оғушида ўйчан яёв кезганини кўрганмиз. Дархондаги Якуб Колас яшаган уйда шеърлар ўқиганини эшитганмиз. Бугун эса худди шу ерда унинг номи билан станция:

Эрк деганнинг
тилагида яшайман,
Эл деганнинг
юрагида яшайман,—

дегани шу-да!

Станция саҳни... Шоирона дид, нафосат ва назокат билан ишланган миллий безаклар... Шарқ архитектурасига хос жозибадор нақшлар... Сангзор қирғоқлари, Зарафшоннинг тўлқинлари, кўркам Фарғона манзаралари, ям-яшил пахтазорлар... Ҳар куни, ҳар тонг заводфабрикаларда янгидан бошланадиган ижод ва турмуш нафаси, бахт ва шодликнинг янгроқ овози... Ҳаммаси мужассам уларда! Шоирнинг эрк тилагида, эл юрагида яшаётганидан ёрқин рамз!

Навбатдаги станция. Рус шеърияти қуёши — Пушкин номи билан аталган бекат. Кимдир қалб ҳисларига эрк бериб шоир сатрларини ўқийди:

Узоқ замон халқ
меҳрига бўлажакман
мушарраф,
Чунки рубобим
билан эзгу ҳислар
туғдирдим...

Поезд жаҳон пролетариатининг буюк ёзувчиси Максим Горький номидаги станция томон шошади. Қаранг, буюк ёзувчи башорат қилган сердолға денгиз нафаси, яқинлашиб келаётган қудратли тўлқин — революция шарпаси... Денгиз узра чарх уриб учаётган Бўрон қуши парвози... Ҳаммаси акс этган унда.

...Кўҳна тарих не бузғунлар, не вайронлар гувоҳи бўлмаган дейсиз... Ўзини мутлоқ ҳоким санаган не золимлар қандай обидалар қолдирмади, дейсиз... Бироқ уларнинг ҳаммаси қўҳимлар ўйлаганидек ўз қудрати ва қуллар мажруҳлигини қўрсатувчи белгисига эмас, балки оддий халқ ақлзаковати ва меҳнатсеварлигига абадий белги — абадий қаср бўлиб қолди.

Тошкент метроси! У ҳам қаср! У ҳам обида! Лекин, у бошқа қаср, бошқа обида!

Жаҳонда ўттиз олтинчи, СССРда етгинчи, озод Шарқ республикалари ичида биринчи метрополитен! Ҳаяжонга тушмай бўладими?! Уни бутун мамлакат қурди. 120 шаҳардан 250 корхона турли хил ускуналар жўнатиб турди. Москва бронкабель, Саранск созлагич, Свердловск трансформаторлар, Псков генераторлар, Митишчи ва Ленинград вагонлар етказиб берди. Биз сўз билан айтганда, интернационал дўстлик қонунлари ўзбекистон пойтахтининг буюртмаларига яшил йўл очди.

Азим дарёлар боши жилғалардан... Кўп миллатли совет халқи вакиллари Шарқда шундай бир иншоот қурдиларки, у абадулабад қардошлик рамзи бўлиб қолгусидир. Бу рамз, бу қаср авлодлар учун XX аср қурувчиларидан ажиб ёдгорлик! У кўҳна, навқирон Тошкентнинг 2000 йиллигига, Коммуна асрига муносиб совға!

Эй, буюк мақсадли
Коммуна асри,
Қабул эт, шаҳримдан
ер ости қасри!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.





М. Содиқов ўттиз йилдан бери «Геологоразведка» тажриба-экспериментал заводида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Илғор ишчи плантопшириқларни мунтазам ошириб бажариш билан ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда.

СУРАТДА: (чапда) М. Содиқов.

* * *

Унгдаги суратда «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлик заводининг пешқадам бригадири Р. Муҳаммаджонов (ўртада) ўз шогирдлари, слесарь-йиғувчилар Х. Хидиров ва Х. Иброҳимовлар билан касб ҳақида суҳбатлашмоқда. А. Тўраев ва А. Лапно фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЕР ОСТИ ИССИҚ СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

БУДАПЕШТ. Хайдунанашдаги «Дожа» қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативининг меҳнаткашлари ер ости иссиқ сувларидан фойдаланмоқдалар. Яқинда мана шу хўжалик территориясида цельсий бўйича 73 градусгача иссиқ бўлган ер ости сув манбаларининг катта запаслари топилган эди. Мутахассислар шу запаслар негизида парранда чилик фемаларини иситиш системасини ташкил қилдилар. Фойдаланилган ва температураси 35—40 градусгача пасайиб қолган бу сувлар кооператив теплицаларини иситиш учун оқизилади. Ер бағри иссиқлигидан фойдаланиш хўжаликка ҳар йили 3,5 миллион форинт миқдорида маблағни тежаш имконини бермоқда.

Ҳукуматнинг шу беш йилликда энергиядан оқилона фойдаланиш программасида ер ости иссиқ сувларидан фойдаланишни янада кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилган. Мамлакатда бундай сувларнинг запаслари тахминан 500 миллиард кубометрга бориб қолади.

Бу соҳада мамлакат қишлоқ хўжалигида айниқса, салмоқли натижаларга эришилди. Ҳозирги вақтда теплицаларнинг 80 проценти ер ости сувлари билан иситилмоқда. Бундай теплицаларнинг умумий майдони ярим миллион квадрат метрни ташкил этади. Бундай сувларни ишлатиш қиммат турадиган суюқ ёқилғини кўп тежаб қолиш имконини беради.

«ТЕЗ ЁРДАМ ПАСПОРТИ»

БЕРЛИН. ГДРда тасдиқланган умумгражданлар «тез ёрдам паспорти» аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилашга қўмаклашиши лозим. Шу йилнинг биринчи июлидан бошлаб бундай паспорт балоғатга етган ҳамма гражданларга берилади.

Ҳужжатни даволаш муассасалари расмийлаштиради. Бу ҳужжатда қон группаси, қилинган эмлашлар ҳақида, шунингдек организмнинг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар ҳам бўлади. Бу маълумотлар бахтсизлик ҳодисалари юз берганда, қаттиқ оғриқ бошланганда ва жуда кучайганда ўз вақтида таъсирчан тиббий ёрдам бериш учун зарурдир.

«Тез ёрдам паспорти» — соғлиқни сақлаш системасини яналда такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар бутун бир комплексидан биридир. Давлат йўли билан кўплаб маблағ ажратилаётганлиги бунга ҳал қилувчи даражада ёрдам бермоқда.

Ҳозирги вақтда, деди журналистларга соғлиқни сақлаш министри Л. Мекклингер, республикада медицина даволаш ва илмий муассасаларнинг кенг тармоқлари ишлаб турибди. Булар орасида 560 дан кўпроқ каттакатта поликлиникалар ва 960 та амбулатория бор.

Муваффақиятли ривожланмоқда

ХАНОЙ. Вьетнам қурилиш индустриясининг ходимлари ўз миллий байрами —бинокорлар кунини 25-мартда нишонладилар. Ўтган чорак аср давомида тармоқ халқ хўжалиги бирмунча ривожланди. Социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига қўшаётган унинг ҳиссаси каттадир. Шу йиллар давомида бинокорлар 10 мингга яқин саноат объектларини, миллионлаб квадрат метр уй-жойларни, юзлаб мактаблар, касалхоналар, маданий-маиший объектлар ва социал аҳамиятга молик объектларни фойдаланишга топширдилар.

Ҳозирги вақтда умумреспублика аҳамиятига эга бўлган 44 та асосий қурилишда шаҳар ва вилоятлардаги 500 дан кўпроқ қурилиш объектларида салкам бир миллион киши меҳнат қилмоқда. Юксак меҳнат унумдорлиги учун кураш бинокорларнинг шиори бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш Вьетнамда қурилиш соҳатини муваффақиятли равишда ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди. Бу мамлакатлар республикага замонавий техника ва ускуналар етказиб бермоқдалар, малакали кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ҳиндистон янгиликлари

ДЕҲЛИ. «Бхарат Хэви электрикалз лимитед» давлат корпорацияси Ҳиндистон саноат бирлашмалари ўртасида ҳамон биринчиликни эгаллаб келмоқда. Бир неча йиллардан буён мамлакатда энг унумли ва рентабелли деб ҳисоблаб келинаётган бу компания март ойида тугаган 1982-83 молия йилида ўз ишлаб чиқариш кўрсаткичларини анча яхшилади. Корпорациянинг умумий даромади 600 миллион рупияга етди. Корпорация составига кирувчи корхоналар ишлаб чиқарган электр генераторлар мамлакатда ишлаб турган электр станцияларнинг қувватини йил давомида уч миллион киловатт ошириш имконини берди.

Хардварда Совет Иттифоқининг ёрдами билан барпо этилган оғир электр ускуналари заводи «Бхарат хэви электрикалз лимитед» корпорациясида етакчи корхона ҳисобланади. Унинг маҳсулоти Ҳиндистонда ҳам, чет элларда ҳам мансур бўлмоқда. Ҳозирги вақтда Хардвар заводи миллий энергетикани мамлакатда қуввати 210 минг киловатт келадиган энг йирик турбиналар билан таъминлаб турибди.

Ҳиндистон геологлари Аруначал-Прадеш иттифоқ территориясида доломит ва оҳактошнинг катта-катта уюмлари борлигини аниқладилар. Мутахассисларнинг фикрича, янги кондаги доломит запаслари салкам 320 миллион тоннани ташкил этади. Бу ўтга чидамли материал металлургияда кенг қўлланилади, шунингдек химия саноатида ва ойна ишлаб чиқаришда ҳам ашё сифатида фойдаланилади. Геологларнинг маълумотларига қараганда, Лохит районида топилган оҳак уюмлари 150 миллион тоннага бориб қолади. Цемент ишлаб чиқариш давлат корпорацияси янги кон негизида цемент ишлаб чиқарадиган завод қуриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўтган модия йилида Ҳиндистоннинг 42 мингдан кўпроқ посёлкалари ва қишлоқлари доимий ичимлик сув манбалари билан таъминланди. Жамоат ишлари ва уй-жой қурилиши министрлигининг ҳар йилги докладида шу ҳақда хабар қилинади.

Ичимлик сувнинг етишмаслиги — Ҳиндистондаги қўрғоқчил районларда жойлашган кўпгина аҳоли пунктлари учун ўткир проблемадир. Мана шу муаммони тезроқ ҳал қилиш тадбирлари ҳукуматнинг социал-иқтисодий ривожлантириш янги программасида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Бу йил Ҳиндистон шимолида жойлашган Химачал-Прадеш штати қишлоқларда илғор ўзгаришлар ясаш йўлида олға қараб катта қадам қўйди. Мазкур штат ҳукумати эълон қилган докладда уқтириб ўтилганидек, тугаб бораётган 1982—1983 молия йилида Химачал-Прадеш янги социал-иқтисодий программада илгари сурилган бир қанча вазифаларни муваффақиятли бажарди.

Бу ерда ўтган йилнинг апрель ойида 20 мингга яқин ерсиз деҳқон бор эди. Булар асосан Ҳиндистон аҳолисининг социал-иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ табақаларига мансуб бўлган деҳқонлардир. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири ер билан таъминланди.

Химачал-Прадеш ҳукумати бошпанасизлар проблемасини ҳам муваффақиятли ҳал этмоқда. Ўтган йилнинг баҳорида штат аҳолисидан 5 минг киши бошпанасиз бўлган бўлса, декабрь ойига келиб уларнинг ҳаммаси уй-жой билан таъминланди. Штатда қашшоқликка қарши кураш кенг кампанияси авж олдириб юборилди. 103 мингга яқин камбағал оилага маҳаллий маъмурлар ва марказий ҳукумат ёрдам кўрсатди. Бу эса планда кўзда тутилганидан тўрт баравар кўпдир.

(ТАСС).

«Тошкент оқшоми»га хатлар

Коллектив илғорлари

Шаҳар автотранспорт ишлаб чиқариш Бош бошқармасига қарашли 1-автопарк коллективи ўртасида А. Қулманов ва С. Тошмуҳамедовлар катта обрў қозонишган. Чунки бу ишчилар корхона ташкил этилган (1974 йил) вақтдан буён меҳнат қилиб келишади.

Ўтган йили «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтган Бутуниттифоқ социалистик мусобақада ҳар иккала бригада коллективи корхона бўйича доимо пешқадам саналиб келди. Бундан ташқари, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш йўлида тинмай изландилар. Натижада йил охирида ҳар икки бригада коллективига «Намунали хизмат кўрсатиш маршрути» деган ном берилди. А. Қулманов ва С. Тошмуҳамедовлар бу муваффақиятларга бригадада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, машинанинг техник созлигига доимо диққатни қаратиш ва уни авайлаб-асрашдек тадбирларни изчил қўллаганликлари туфайли эришдилар. Меҳнат интизомини бузган шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари бригада коллективи ўртасида атрофлича муҳокама этилиб борди. Машиналарнинг техник созлиги доимо эътиборда бўлганлиги учун уларнинг ремонтда туриб қолиш ҳоллари кескин камайди. Бригадада ишни яхши йўлга қўйганлиги ва жамоатчилик ишида актив қатнашиши ҳисобга олиниб А. Қулмонов ўтган йили партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Шу кунларда коллективда илғорлар сафи тобора ошмоқда. В. Лебедев, Б. Смирнов, И. Прокофель, Р. Гевель каби ўнлаб ишчилар коллектив фахри ҳисобланади. Кунлик нормаларини 110—115 процентдан адо этиб келаётган А. Қулмонов, С. Тошмуҳамедов бошлиқ бригада коллективлари бугунги кунда янги зафар учун меҳнат қилмоқдалар. Улар Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини меҳнатда янада юқори кўрсаткичларга эришган ҳолда кутиб олишга азму-қарор қилишган

Х. ИНОҒОМОВ,
ишчи.

Қатъий чоралар кўрилиши керак

«Шаҳар ва гараж муаммоси» мақоласида кўтарилган мавзуни ғоят муҳим ва долзарб деб ҳисоблайман. Белгиланган тартибларга риоя этмай ўрнатилган хусусий гаражлар шаҳар чиройини бузибгина қолмайди, балки унинг эгаси Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорини қўпол равишда инкор этади. Иккинчидан у бошқаларнинг тинчлигини бузади.

Турар жой биноси ёнига ўрнатилган гараж кўпинча қўкаламзорлаштириш учун ажратилган майдонни эгаллаб олади. Гаражнинг болалар майдончасига ўрнатиб олиниши эса кишини айниқса, ачинтиради. Гараж эгаси болалар ўйнаши, саломатлигини мустаҳкамлаши лозим бўлган жойни эгаллаб олиб, болалар травматизмининг кўпайишига сабабчи бўлаётганини ўйламайди. Болалар майдончаси бўлмагач, кичкинтойлар лифтда, кўчаларнинг қатнов қисмида шўхлик қилиб юришади, гулханлар ёқишади. Гаражлар қурилиши, айниқса металл гаражлар биноинг экономикамизга зиёндир. Уларни тайёрлашда тансиқ бўлган металл прокатдан фойдаланилади. Уларни кўпинча қонунсиз йўллар билан топишади. Биз яшаётган Юнусободда мен ўз кўзларим билан гаражда автомашина ўрнига... сабзавот ва турли туман эски-туски уй рўзғор буюмларини сақлаётганини кўрганман. Ваҳоланки, унинг эгасида ҳеч қачон автомашина бўлмаган. Бундайларга нима дейишга ҳайронсан киши. Менимча гараж муаммоси шаҳримизда ғоят мураккаблашган. Унинг ҳал этилиши район Советлари ижроия комитетлари, милиция органлари, ЖЭКларнинг ходимлари, автоҳаваскорлар жамияти томонидан кўп иш қилинишини талаб этади. Биргаликдаги куч-ғайрат билан кутилган натижага эришиш мумкин.

М. ГАТАУЛЛИН,
Улуғ Ватан уруши нвалиди,
Юнусободнинг «В—4» массивида яшовчи.

ФАКТ ВА ШАРҲ

Шу ҳам хизматми?

Шу йил 22 март куни соат 13.20 да Чилонзор районидаги 107-нон дўконига тушдик. Лекин дўкон ёпиқ эди. Узоқ кутишга тўғри келди. Ниҳоят соат 13.55 да сотувчи аёл пайдо бўлди. Кўчадан кела солиб, савдо қилишга тушди. Мен: «Кўп ювмасдан нон ушлаш яхши эмас», дегандим, балога қолдим. У менга оғзига келган сўзлар билан ҳақорат қилди. Бетга сапчийдиган сотувчининг бу ножўя хатти-ҳаракатларини қандай изоҳласа бўлади! Шу ҳам хизмат кўрсатишми!

М. НЕЪМАТОВА.

Ғ. ИУЛДОШЕВ,
«Ташхлебторг» директори

— Савдо ходими харидорлар билан доимо яхши муомалада бўлиши ва уларнинг эътирозларини ўз вақтида инобатга олиши даркор. 107-нон дўкони сотувчиси Ф. Овчинникова эса бунга тескари иш тутган. У ўша куни харидорларнинг дилини ранжитибгина қолмасдан, иш вақтида ўз ўрнида бўлмаган. М. Неъматова мактуби коллектив ўртасида муҳокама этилди. Сотувчи Ф. Овчинниковага қаттиқ виговор эълон қилинди. Шунингдек, коллектив ўртасида тартиб-интизомнинг бўшашиб кетишига йўл қўйгани учун магазин мудири Д. Шиковага ҳам виговор эълон қилинди. Бу ҳол яна бир бор қайтариладиган бўлса, бундан жиддийроқ чора кўрилиши айтилди.

Қўполлик қилгани учун

Киров райпишчеторгига қарашли 23-магазиндаги сотувчилар савдо қоидасини бузиб, ишга идишларни қабул қилишда ишчи ва хизматчилар ҳақига хиёнат қилишмоқда. Улар ишга идишларни ўзлари истаган нархда, хоҳлаган вақтда қабул қилишади. Бу ерда меҳнат интизоми қўпол равишда бузилмоқда.

Б. АТҲАМОВ,
«Компрессор» заводи ишчиси.

Г. ЧЕРНОВА,
Киров райпишчеторги директори вазифасини бажарувчи

— Газетхон шикояти торгимизнинг барча хизматчилари ва 23-магазин коллективи билан биргаликда ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама этилди. Сотувчи Х. Валижонова харидорлар билан қўпол муомалада бўлганлиги учун қаттиқ огоҳлантирилди, яна шундай ҳол такрорланадиган бўлса, унга нисбатан қаттиқ чора кўрилади.

Магазин мудири Д. Носировага совет савдо қоидасига қаттиқ риоя қилиш, коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни қучайтириш вазифаси топширилди.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИҒИ»

Ана шу сарлавҳа остида газетамизнинг 1983 йил 20 апрель сонида босилган хабарда «19 —01 Набиевнинг пассажирларга ва ҳақида сўз юритилган эди.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
6 МАЙ, 1983 й.

«Главташпасс автотрансига қарашли 1-таксомотор автокомбинати директори Ғ. Исмоиловнинг хабар қилишича, «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги такси тўхташ жойи линия диспетчерлари Муҳаммадалиев ва Гажиеванинг рапортларига мувофиқ, қўполлик қилгани ва пассажирларга хизмат кўрсатишдан бўйин товлагани учун Набиев 12 апрелдан бошлаб ҳайдовчиликдан четлаштирилган. У уч ой муддат билан ҳам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилди.

Ҳайдовчилар иши устидан назоратни бўшаштириб юборганлари учун автокомбинат директори ўринбосари З. Аъзамовга ва 3-автоколонна бошлиғи Ҳ. Мирсоатовга виговор эълон қилинди. Ҳайдовчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат кучайтирилди.



Германия Демократик Республикасидаги Карл-Маркс-штадт шаҳри— Волгоград ва Иркутск билан биродарлашган шаҳар ҳисобланади. Илмий коммунизм асосчиси номи билан аталган бу шаҳар аҳолиси буюк мутафаккир хотирасини ёрқин эсга олмоқда.

СУРАТДА: катталиги жиҳатидан республикадаги тўртинчи шаҳар — Карл-Маркс-штадтнинг марказий қисми кўриниши.

АДН—ТАСС фотоси.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Марокаш жанубидаги кўплаб вилоятлар, шу жумладан Оғадир, Тизнит, Гелмим, Тарудант, Марокэш ва бошқа вилоятларда сурункасига уч йилдан буён қаттиқ қурғоқчилик бўлмоқда. Бу қурғоқчилик ана шу вилоятларнинг қишлоқ хўжалигига катта зарар етказмоқда. Бир қанча районларда ичимлик сув жуда етишмаяпти. Марокаш вилояти вужудга келган ғоят оғир аҳвол туфайли «қашшоқлик зонаси» деб эълон қилинди.

Маҳаллий маъмурлар зарар кўрган районларга шошилинч ёрдам берилишини сўраб Марокаш ҳукуматига мурожаат қилдилар.

* * *

Қўшма Штатлар Ливандаги кескинлик ҳамда шу мамлакатдаги фожиали воқеалар учун жавобгардир, деб ёзади Кувайтда чиқадиган нуфузли «Алкабас» газетаси.

Вашингтоннинг арабларга қарши сиёсатга содиқлиги ҳамда Исроил агрессорларини қўллаб-қувватлаётганлиги, деб уқтирди газета, Ливандагина эмас, балки регионнинг бошқа мамлакатларида ҳам Америкага қарши кайфият янги тўлқинини шубҳасиз вужудга келтиради.

* * *

Бирманинг шарқида яшайдиган кичик бир элат — падаунгларнинг қизлари оналаридан анча пастроқдир. Бунинг сабаби узоқ ўтмишга бориб тақалган бўлиб, ер юзидаги энг ғароийиб урф-одатларидан бирининг оқибати ҳисобланади.

Узоқ замонлардан бери падаунглар бўйинининг узун бўлишини аёл киши гўзаллигининг асосий мезони деб ҳисоблаб келганлар. Аммо қизлар табиатан берилган бўйинга қониқиб қолмаганлар. Қиз беш яшар бўлдими, унинг бўйинига биринчи, анча залворли мис ҳалқа тақилган, орадан бир неча ой ўтгач, унинг устига яна биттаси тақилган ва шу тахлитда янги-янги ҳалқалар тақилиб борган. Ҳуллас, қиз келин бўларли ёшга етганда унинг бўйинида 22 та оғир «безак» ҳалқа қатма-қат бўлиб турган, бўйни эса 30 сантиметргача чўзилган. Шу ҳалқаларни ҳаттоки, қисқа фурсат бўлсада, олиб қўйишнинг иложи бўлмаган — чўзилган бўйин умуртқаси металл «тиргак»сиз бошни ҳечам тутиб турролмаган.

Эндиликда шу ғароийиб одат ўтмишда қолиб кетган...

СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 38 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«САДОҚАТ—84» МЕҲМОНИМИЗ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти бир неча йилдан бери ҳарбий-ватанпарварлик мавзуига бағишланган «Садоқат» тўпламини нашр этмоқда. Ҳар йили мунтазам чоп этилаётган тўпламда ҳарбий хизматчилар, журналист ва ёзувчилар ўз асарлари билан фаол қатнашмоқдалар. Тўплам материаллари ранг-баранг, аммо мазмунан бир мақсадга — ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, оталар шон-шуҳрати анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Совет халқи қозонган буюк Ғалабанинг 38 йиллиги арафасида эълон қилинаётган ушбу туркум материаллар — навбатдаги тўплам «Садоқат—84» дан ўрин олган. Бу тўплам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига ҳамда Улуғ Ватан урушида тобланган халқлар дўстлиги мавзуига бағишланган.

Тўплаб нашрга тайёрловчи — тарих фанлари кандидати Ҳамдам СОДИҚОВ.

Шароф РАШИДОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўрақул Тўраев

Жўрақул отаси Тўрабобога ёзган бир мактубида: «Мен сизларнинг юзларингизни ерга қаратмайман. Ватаним ва халқим олдида оёққа тураб ичган қасамимни албатта бажараман», деган эди. У, ўз сўзининг устидан чиқди. Ватан ва халқ олдида ичган қасамини бажарди.

..Жлобин томонидан қўшиниларимиз ажал олиб келган душманга қарши қудратли ҳужумда эди. Жўрақул мана шу ҳужумлар оташида тобланди. У, ғалаба қозонишнинг ҳал қилувчи пайтларида оғирликни ўз устига олди. Ўзининг тўп расчёти билан шавкатли пиёдаларга йўл очиб берди. Зийрак, баҳодир жангчи тез вақтда обрў қозонди. Унинг шуҳрати бутун фронтга тарқалди.

Жўрақулнинг шуҳратига шуҳрат қўшган воқеа қуйидагича юз берди.

...Кичик сержант Жўрақул Тўраевнинг тўп расчёти атрофга ҳукмронлик қилиб турган тепаликни қўриқлаб турар эди. Немислар эса бу тепаликни эгаллаш учун кўп марта уринib кўрган эдилар. Жўрақул ва унинг содиқ дўстлари бу тепаликни қўриқлаб, немисларнинг ўнлаб танкларини қайтарган эдилар. Аммо немислар бу билан чекланмадилар, яна ҳужум қилиб қанча қурбон бериб бўлса ҳам бу тепаликни эгаллашга киришдилар ва 17 танк, резервда турган бир батальон автоматчиларни ҳужумга ташладилар.

Тепалик ёнидаги ўтадиган йўлнинг икки томони ботқоқлик эди. Немислар фақат ана шу йўлдангина ҳужум қилдилар. Жўрақулнинг дўстлари немислар бошлаган бу янги ҳужумнинг бошқа ҳужумларга қараганда кучли эканини билардилар. Уларнинг қалбидан немис итваччаларидан қасос олиш орзуси ёнар эди. Улар немислар яқин масофага — 800 метрга келгунча сабр қилдилар, 17 танк ва автоматчилар ўрмалаб келмоқда эди.

Жўрақулнинг қони қизиб кетди. Ўзини тўхтатолмади ва дарҳол тўпи ёнига ўтди. Ўртоқлари унинг кетидан ишга тушдилар. Бу вақтда душман анча яқин келиб қолган эди. Икки ўртада даҳшатли жанг бошланди. Немислар тўплардан, ҳар турли пулемётлардан ва автоматлардан ўт очиб, илгари силжий бердилар. Жўрақулнинг тўғри мўлжалга олиб отган ўқлари бехато тегар эди. Жўрақул тўпининг ўти билан немис танклари бирин-кетин ёна бошлади. Аммо қолганлари келишда давом этар, Жўрақул ва унинг ўртоқлари бошидан ўқлар ёмғири ёғарди. Лекин улар буни писанд қилмас эдилар.

Немисларнинг илгарига силжиши секинлашди. Ёниб кетган танкларнинг сони кўпая борди. Изғиб келаётган немис автоматчиларининг сони ҳам озайиб қолди. Жанг эса борган сари даҳшатли тус ола берди. Жўрақулнинг дўстлари бирин-кетин сафдан чиқдилар. Тўп командири Павлов ҳам яраланди. Бу даҳшатли ҳол Жўрақулни янада баҳодир, қўрқмас, мард ва ёвга нафратли қилди. У, чаққонлик билан душманни қайтара бошлади. Душман танкларини қоплаётган тутун борган сари қуюқлашди. Қолган танклар орқасига қараб қочдилар. Тирик қолган автоматчилар эса ваҳимага тушди.

Бир неча соатга чўзилган даҳшатли жанг Жўрақул ва унинг ўртоқлари ғалабаси билан тугади. Жўрақул ўз тўпидан 92 марта ўқ узди. Унинг тўпи қип-қизил чўғ бўлиб қолди, немис аэропланлари ёдгирган бомбалар Жўрақулнинг тўпини ишдан чиқарди. У, душман снарядлари портлаган жойда қаттиқ ярадор бўлди. Снаряд парчаси унинг пешонасига тегди. Аммо жанг майдонида немисларнинг 7 танки ва 250 солдат ҳам офицери кул бўлиб ётарди. Жўрақул Тўраевнинг афсонавий қаҳрамонлиги ёвнинг ёвуз ниятини парчалаб юборди. Немислар чекиндилар. Жўрақул дала госпиталига келганида ҳам ҳушсиз эди. Ҳушига келганда ёнида турган командирларини, дўстларини, фронт штабидан келган вакилларни кўрди. Улар артиллерия қўмондони ўртоқ Казаковдан келган хатни ўқиб бердилар. Ўртоқ Казаков Жўрақул Тўраевга СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига кўра Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилгани билан табриклаб хат ёзган эди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўрақул Тўраев немис-фашист галаларига қарши 16 ой курашди. Жўрақул Курск, Мало Архангельск, Чернигов шаҳарларини олишда қатнашди. Жўрақул Тўраев Чернигов озод қилишдаги жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги учун «Жанговар хизматлари учун» медали ва «Артиллерия аълочиси» деган нишон билан мукофотланди. Жлобин томонидаги жангларда эса чиндан ҳам довруқ солди. 21 ёшли ўзбек фарзанди ўз умрини, ўзбек номини, қизил аскарлик шарафини шонларга кўмди.

Жўрақул ҳозир туғилиб ўсган қишлоғида. Жиззах район, Ҳайрообод қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда, ота-онаси, ҳамқишлоқлари ёнида. Жиззах механизаторлари ўз қаҳрамони билан фахрланадилар.

(«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1944 йил, 22 июнь).

ЎЗБЕК ОФИЦЕРИ

Даҳшатли жанг давом этмоқда эди. Дивизион командири Аҳмад Абороvни чақириб олиб, шундай деди:

— Сени батарея командири этиб тайинлайман. Тўпларни қабул қилиб ол, душман атакасини қайтариш керак!

Аҳмад честь бериб турғани ҳолда буйруқни такрорлади. Орқасига ўгирилиб, ертўладан тезгина чиқиб кетди. У тўпа-тўғри жанг майдонига борди.

Абороv узоқда, 14 танк панасида келаётган немис пиёда аскарларини кўрди. Тездан олдинга ташланди. У батарея ёнига елиб борди ва пешонасидан оқиб тушаётган терни артиб бўлгач, деди:

— Мен батарея командири! Командамга қулоқ солингиз! — деди. Бу унинг ўз батареясидаги жангчилар билан биринчи сўзлашуви эди.

— Есть! — деган жавобни қилди итоатли йигитлар.

Бу вақт немис танклари 300—400 метр масофагача яқинлашиб келиб қолган эди. Улар иккига бўлинди. Етти танк чап тарафга, еттитаси ўнг тарафга — Абороv тўпларига қараб кела бошлади.

Офицернинг:

— Батарея, душман танкларига қараб ўт очилсин, — деган команда эшитилди. Икки тўп бирин-кетин гумбурлаб отилди. Офицернинг ундан сўнгги командалари тўп, снарядларнинг гумбурлаб портлаши, автомат ва пулемётларнинг тарақлашига қўшилиб зўрға эшитилар эди.

Бир лаҳзада икки танк мажақланди. Қолганлари яқинлашиб кела бошлади. Буни кўрган офицер қор ва қум тўзони остида тўлғунганича бориб:

— Ўт очинг, тезроқ ўт очинг! — деб буюрди. Тўплар яна гумбурлаб отила бошлади.

Тўрт танк жуда яқин келиб қолган эди. Аммо улар даҳшатли тўп ўтига учраб, иккитаси орқага қараб қочди. Қолган иккитасини пиёда аскарларимиз мажақлаб ташладилар. Немис танкларидан чиқиб қочмоқчи бўлган газандалар автомат ўқи билан ағдарилди, бундан ташқари, немисларнинг тўрт пулемёти ҳам ишдан чиқарилди. Жанг сал бўшашди.

Бир оздан кейин немис пиёда аскарлари кўп қурбонлар бериб бўлсада, яна олдинга ташландилар. Пиёда аскарларимиз яна арслондай кўтарилиб, немис галаларининг йўлини тўсдилар.

Қоронғи тушди. Кечаси Абороvнинг икки тўпи яна позицияга кўчирилди. Лекин учинчи тўпи ҳақида ҳеч ким ҳеч нима билмас эди. Абороv — учинчи тўп қаерда, ёки немислар қўлига тушиб қолдими? — деб ўйланиб қолди. Шу пайт бир жангчининг:

— Рухсат этинг ўртоқ командир! — деган овози унинг диққатини бўлди.

— Позицияни маҳкам сақламоқдамиз, аммо снарядлар тугаб бормоқда.

Нонуштага нарса олгани келган жангчининг учинчи тўп ҳақидаги бу рапортидан Абороv ҳайратда қолди. Унинг бу келиши бир кўринишда севинчли, бир кўринишда эса қаҳрли кўринарди, офицер унинг юзига қаради-да:

— Жуда яхши. Пиляевга ташаккуримни айт. Ҳозир расчёт позициясини ўзгартириш керак. Бизга яқинлашингиз!

— Хўп бўлади, ўртоқ батарея командири.

— Пиляевга айт: снаряд оласиз, кечга қадар позицияни сақлаб турсин. Биз сизни қўллаймиз. Кеч тушиши билан янги позиция ҳозирланглар.

Жангчи жўнаб кетди.

Старший лейтенант Абороvнинг артиллерия командирлиги шундай бошланди. Ўзўзича ўйланиб, биринчи куним муваффақиятли бўлди, иккинчи куним ундан ортиқ бўлиши керак! — деб қўйди.

* * *

3. қишлоғи ёнида жанг борарди. Немисларнинг сон жиҳатидан ортиқ бўлган кучлари аскарларимизни қиса бошлади. Пиёдалар бироз чекинишга мажбур бўлдилар. Абороv жанг майдонини зўр эътибор билан кузатиб турарди.

— Вақт келди, — деди у ўз-ўзича кейин:

— Парчалануvчи снарядлар ишга солинсин! — деб команда берди.

Тўплар ҳаракатга келди. Гумбурлаб чиққан даҳшатли овозлар душманни ваҳимага солди. Немислар орқага чекиндилар. Улар жуда ҳам қутурдилар, эндиликда тўпларнинг ён томонига ўтиб, батареяларимизни ўраб олишга урина бошладилар.

Немисларнинг бу найрангини Абороv яхши тушунарди. У ўрнидан ғоз турди. Кўринишдан жуда ҳотиржам эди. Атрофда ҳеч ким йўқдай ўйланиб, бироз жим турди. Бирданига:

— Душман пиёдалари тўпланган ерга сочмали ўқ очилсин! деб команда берди.

Тўплар гумбурлаб қолди, снарядлар тушган жойларда шовқин-сурон кўтарилди. Фрицларнинг қочиб кетаётган ерларга ҳам етарли сочмали снарядлар ёғиларди. Фрицлар гоҳ ётиб, гоҳ югурар эдилар. Душман қатори сийраклашиб қолди.

Бизнинг пиёда аскарларимиз артиллериядан мадад олдилар, олдинга қараб ташландилар. Бирлашиб қилинган зарба немисларни гангиратиб қўйди. Улардан жуда оз одам тирик қолди.

Бу жангда составининг 80 проценти орден ва медаллар билан мукофотланган батарея жангчилари баҳодирлик билан курашдилар. Улар душманни шафқатсизлик билан қириб, совет қуролининг шон ва шарафини баланд кўтардилар.

Қалби душманга қарши ғазаб ва нафрат билан алангаланган, Қизил Юлдуз ва биринчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланган шуҳратли офицер — ўзбек йигити Аҳмад Абороvнинг жанговар ҳаёти деярли ҳар куни ана шундай ўтади.

Капитан А. РАҲМАТ.
Старший лейтенант А. МАМЕДКУЛИЕВ.
1944 йил. 10 май.

«МЕН ЎЛМАЙМАН!»

Командир буйруқ берди. Қўл пулемётчи Эргаш Солиев дўсти Миша билан немисларнинг ёмғирдай ёғиб турган ўти остида тепаликнинг ўнг ёнбошига ўтиб олди. Иккаласи очган ўтдан душманнинг бир пулемёт нуқтаси жим бўлиб қолди. Бироқ гитлерчилар атакага кўтарилдилар. Эргаш билан Миша уларни пулемёт ўти билан қарши олди. Немислар гангиб, саросимага тушдилар ва ўз позицияларига чекинишди.

Лекин бир группа душман автоматчилари ёнбош томондан пайдо бўлиб қолиб, Эргаш билан Миша турган маррани ўққа тута бошладилар. Эргаш пулемёт стволини тездан немис автоматчилари томон бурди. Унинг ўти гитлерчиларни тўзғитиб юборди.

Бир вақт Мишанинг:

— Эргаш! — деб чақирган кучсиз овози эшитилиб қолди. Фурсат жуда танг, фашистларни кўздан қочириш мумкин эмас. Эргаш зўр бериб, қочиб кетаётган немисларни ўққа тутар эди. Шу орада ялт этиб, Мишага қаради. Қандай даҳшат!.. Миша ерга мукка тушган, чеккасидан тирқираб қон оқмоқда. Ранги ўчган, лаблари қалтираган ҳолда Эргаш ўзини жонсиз дўсти устига ташлади ва кўз ёши дурилдай оққани ҳолда, дўстининг пешонасидан ўпди.

Миша хавф-хатарли жангларда Эргашнинг ажралмас ҳамроҳи эди, дам олиш минутларида «Ватан» қўшиғини Эргашга рус тилида айтишни ўргатган эди, эл-юртини соғиниб, зериккан пайтларда Миша Эргаш билан ҳасратлашиб, унга мақсадга эришиш учун душманни йўқ қилиш зарур эканини тушунтирган эди. Эргашни, оламдан ўтган дўсти билан хайрлашиб, унинг қонга бўялган пешонасидан ўпишга мажбур этган ҳақиқат ана шу эди!..

Рота командирининг:— «Атакага!» деб берган буйруғини эшитиб, Эргаш ўрнидан сапчиб турди. Энди пулемётдан отмоқчи бўлганда, 2—3 метр нарида ёрилган мина парчасидан ўнг қўли ярадор бўлди. Газаб билан бутун борлиқни бир зумда кўздан кечирди,— у Мишанинг белидаги 3 гранатани кўриб қолди. Гранаталарини Мишанинг белидан олди ва дўсти ёнида қасамёд қилди.

— Дўстим Миша, чап қўлим соғ, сен учун ўч олишга ярайди,— деди ва бир гранатани ушлаган ҳолда, ўрнидан турди-да, «Ура!» дея қичқириб, душман окопи томон югурди.

У душман окопига етиб улгурмаган ҳам эди, яқин бир жойга тушиб ёрилган немис снаряди Эргашнинг ярадор қўлини тирсагидан узиб юборди. Лекин ҳар қандай оғриқларга чидаган Эргаш чап қўлига граната ушлаб, чопганича окопга яқинлашганини сезмай қолди. У душман окопидан: «Рус таслим бўл!» деган овозни эшитди. Эргаш гранатани окопга ирғитиб:

— Рус таслим бўлмайди! Унинг укаси ўзбек ҳам таслим бўлмаяжак!— деди.

— Миша учун! — деб яна бир гранатани ирғитди. Кўзларини қоронғи босган, боши гангираган Эргаш учинчи гранатани ҳам, ҳолсизланган ҳолда йиқилаётиб, ирғитганини билмади.

Рота душманнинг олдинги марраларини ёриб кириб ўтиб, гитлерчиларни қува кетди.

Жангчилар билан кетма-кет етиб келган ҳамшира Эргашни окопга олиб тушди.

Ниҳоят авайлаб, у Эргашнинг яримта қўлини бинт билан боғлади ва меҳрибонлик билан баҳодирнинг бошини ўз тиззасига олди. Эргаш Солиев кўзини астагина очди-да:

— Нинахон!.. — деди ва мағрурона тикилган олмос кўзларини Нинадан олмай туриб, давом этди:

— Мен ўлмайман. Немис ўлмоғи керак!.. Уни хавфсиз жойга олиб кетдилар.

Старший лейтенант Н. САФАРОВ.

Ҳаракатдаги армия.

1944 йил, 28 май.

ОИЛА даврасида суҳбатлар



Авжи баҳор кунлари эди. Табиат яшилликка бурканиб, яшнаб кетганди. Дам олиш куни ўғлим билан ҳордиқ чиқариб, балиқ тутмоқчи бўлдик-да, Қорақамишдан оқиб ўтадиган қичқириқ анҳори бўйига бордик. Соҳилдан қулай жой топиб, катта харсангтош ёнига ўтирдик. Шу пайт ўғлим нариоқ борди-да:

— Ада, мана буни қаранг,— деди.

Мен қизиқсиниб у томонга тикилиб қолдим. Биз ўтирган ердан ўн-ўн беш қадам нарида оқ консерва қутиси, толдан йўнилган қармоқ дастаси, бир қаричча келадиган ўлик балиқ, кўм-кўк майса устида қизил дафтар ётарди: «Бирор болакай бу ерда балиқ тутгану кейин у-бу нарсаларини қолдириб кетиб қолган», деб ўйладим. Қизил дафтардаги ёзувга кўзим тушди: «Юрак дафтарим. Зафар».

Қармоғимиз қўйилган жойдаги харсангтош устига ўтирдим-да, Зафарнинг чиройли хат билан ёзилган мурғак қалб ноласини ўқий бошладим.

«Мен бу дафтарни бувижоним билан опажонимнинг суҳбатларини эшитиб қолганимдан кейин тутдим. Юрагим тўлиб, ўзим ҳафа бўлиб юрганимда бувижонимнинг бу гаплари жудаям алам қилиб кетди.

— Оҳ, болам, эринг —эр эмас, қаро ер бўлди, сенга бирор ёруғ кун, бирор рўшнолик кўрсатмади, чиғириқдек чўнқатиб, косовдек қовжиратди, —дердилар бувим қизларига ачиниб,— ҳали ҳам вақт бор Раъно, энди йигирма саккизга кирдинг, турмушга чиқ, ували-жували бўлиб кетасан.

Опажоним хўрсиниб, бувимга ялингандек гапирдилар:

— Эй, ойижон, нима қилса ҳам ўша эрим болаларимнинг адаси эди, қурғур ичкилик, қолаверса анови танноз Манзура у кишини йўлдан урди... Зафар бор, Зебо бор, буларни ташлаб қанақа турмушга чиқаман?.. Энди аччиқ келса шимаман, ширин келса тотаман, бу ёғини пешонамдан кўрдим.

Опажоним шундай деб, ҳар гал ўзлари айтганларидек «юрак лари сиқилиб» кетдими, бирдан йиғлаб юбордилар. Бувим зардали бир оҳангда қизларини уришиб бердилар:

— Намунча ўша Музаффарни дейсан?.. Икки боланг билан ташлаб кетди. Қизинг Заҳро ҳам ўша эринг жабридан ўлди. Ўзи шум етим эди, икки болангни тирик етим қилди.

«Икки тирик етим!» Бу тирик етимнинг бири — мен, иккинчиси — тўрт яшар синглим Зебо.

Ҳар куни синглим Зебони боғчадан олгани борганимда, у кўзларини мўлтиратиб сўрайди: «Ака, адамла телдилами?.. «Йўқ, — дейман хафа бўлиб,— уч кундан кейин келарканлар». «Ғамгин бўлиб қолган Зебо мўлтираган кўзларини йилтиратиб яна қизиқиб сўрайди: «Ака, уч кун қачон бўлади?» Шунда нимагадир гапиролмай қоламан: «Яна... яна уч кун... уч кун боғчага келсанг, уч кун бўлади...»

Эрталаб уйғониб кетсам хаёл суриб қоламан. Осмонга қарайман. Жудаям кенг, жудаям тоза, кўл сувидек тип-тиниқ. Қани энди қанотим бўлса дейман ўзимча, осмонинг энг баланд жойига, узоқдаги қаймоқ суртилгандек оқ булутли жойига чиқардимда, ердан адажонимни қидириб топардим, узоқ-узоқ тикилиб дийдорларига тўярдим, кейин ялиниб-ёлвориб сўрардим: «Адажон, нега бизни ташлаб кетгансиз?».

Адажоним нима деб жавоб беришларини энди биламан. Орадан икки йил ҳам ўтди. Олтинчи синфда ўқияпман. Ўшанда, адам кетадиган бўлиб юрганларида, уйимизда қандай урушлар бўлганини эслаб қолганман.

Ҳаммамиз қийналиб кетгандик. Адам такси ҳайдардилар, ёнларида пул кўп бўларди. Ишга борган кунлари кечаси алламаҳалда ичиб келиб, опажоним билан тонг отгунча уришардилар, сўкиниб чиқардилар, ҳеч қайсимизга уйқу бермасдилар. Опажоним адамларга ҳеч қачон бирор оғиз ёмон гап айтмасдилар, зарда қилмасдилар, доим ширин гапириб, яхши сўз билан тинчлантирардилар. Адам эса ўжарлик қилиб, ўринга ётмай хонама-хона нималарнидир қидириб, жуда кайфлари ошган бўлса шерга ўхшаб наъра тортиб ташқарига чиқиб кетардилар.

Эртасига ҳаммамиз ишга, мактабга кетардик. Кечқурун ҳаммамиз ҳовлида йиғилардик. Адам ҳам, опажоним ҳам ўзларини ҳеч нарса бўлмагандек тутишарди. Ҳаммамиз ҳам ҳеч нарса бўлмагандек ўзимизни тутишга ҳаракат қилардик. Ҳаммамиз ҳам ҳеч нарса бўлмагандек ўзимизни тутишга ҳаракат қилардик. Ҳаммамиз ҳам ҳеч нарса бўлмагандек ўзимизни тутишга ҳаракат қилардик.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9 МАЙ СОАТ 15.00 ва 19.30 ДА

Улуғ ғалаба кунига бағишланади.
Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги — конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, Татаристон АССР халқ артисти ва Ўзбекистон ССР Ҳамза номли Давлат мукофотининг лауреати

ОТАЖОН ХУДОЙШУКУРОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

VI Жаҳон фестивалининг лауреати

АНВАР РУСТАМОВ

Солистлар: Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Раҳимахон НОСИРОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Лола ОҚИЛОВА, Новвотхон ЖЎРАЕВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балет-мейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Мамлакатимиз саноати ишлаб чиқараётган кўп сонли **ЛАБ БУЮҚЛАРИ** орасидан Сиз ўзингизга маъқул бўладиганини, албатта, топа оласиз.

Таркибига махсус моддалар қўшилиши туфайли лаб бўёқлари лаб терисига ижобий таъсир кўрсатади.

Лаб бўёқларининг баҳоси — 50 тийиндан 2 сўм 50 тийингача.



«СОЮЗПАРФЮМЕРПРОМ».

«РЕКЛАМА» Марказий реклама агентлиги.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

7 май соат 19.30 га белгиланган концерти

ВА

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ

9 май соат 17.00 ва 20.00 га белгиланган байрам концерти

БОШҚА КУНГА КЎЧИРИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА

Музей фондидаги XVIII—XX аср бошлари рус ҳайкалтарошлиги ва графикаси (акварль, гуашь, қалам) асарларининг

ВИСТАВКАСИ ОЧИЛДИ

Виставка ҳар куни соат 10.30 дан 18.00 гача, душанба куни — 15.00 гача ишлайди.

Дам олиш куни — сешанба.

Справкалар учун телефонлар — 32-73-45.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 31-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

15, 16, 17 ва ундан катта ёшдаги йигитларни ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди.

Қўлда пайвандловчи электр пайвандчи, токарь. Ўқиш муддати 6 ой. Ҳар ойда 72 сўм стипендия берилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ҳаракатдаги составнинг ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати 1 йил (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади).

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси. Ўқиш муддати — 1,5 йил. Фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Тепловоз машинисти. Ўқиш муддати — 2 йил. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади, ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади.

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз, электровознинг электр ускуналари ремонти бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, электровозлар, тепловозлар; токарь, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, электр-газ пайвандчи, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь. Ўқиш муддати — 3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юртида 3 йил ўқиганлар ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Билим юртини тугатганлар темирйўлчилар учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар. Жумладан Совет Иттифоқининг хоҳлаган шаҳрига бепул бориб-келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси ёки эмланганлиги ҳақидаги медицина карточкаси, характеристика, ариза, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Мурожаат учун адрес: 700074, Тошкент шаҳри, 74-алоқа бўлими, Ҳамза райони, Слоним кўчаси, (15, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/V да **СССР халқ артисти Саодат Қобулованинг ижодий кечаси.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/V да **Аризасига кўра,** 7/V да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/V да **Хизматингизга тайёрмиз,** 7/V да **Лайли ва Мажнун.**

ДАВЛАТ РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА — 7/V да **Маугли** (15.00, ўзбек тилида).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Етти ажойиб масхарабоз» — Москва цирки артистларининг хайрлашув гастроллари** (6/V да 19.30 да, 7/V да 16.00 ва 19.30 да).

КИНО

6 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭКИПАЖ» — **Ватан** (16, 18.30, 21.00).

«БУЙРУҚ: ЧЕГАРАДАН ЎТИЛСИН» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ҚАЕРДАДИР ИНГЛАР ЗАРҒАЛДОҚ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ВА КИЧКИНТОЙ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«КАЗАКЛАР ЗАСТАВАСИ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Дружба** (12, 15, 17.10, 20.30, телефон 66-15-75).

«ҚИЗИЛ ҚЎҒИРОҚЛАР» — **2-фильм.** «МЕН ЯНГИ ДУНЁНИНГ ТУҒИЛИШИНИ КЎРГАНМАН» — **Восток** (16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«ХОҲИШНИНГ ЧЕГАРАСИ — **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ОГОҲЛАНТИРИШ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ГЕНЕРАЛ БУВИ», «ҚАЙНОНА» — **С. Раҳимов номли** (16, 21.00, телефон 48-48-71).

«БУЙРУҚ: ЎТ ОЧИЛМАСИН», «БУЙРУҚ: ЧЕГАРАДАН ЎТИЛСИН» — **Чайка** (18, 21.00, телефон 77-06-20).

«ЎНГДАГИ ВА ТУШДАГИ ПАРВОЗЛАР» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«36-80 КВАДРАТИДАГИ ҲОДИСА» — **Хива** (21.20, телефон 32-78-02).

7 МАЙ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭКИПАЖ» — **Ватан** (11.30, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«БУЙРУҚ: ЧЕГАРАДАН ЎТИЛСИН» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ҚАЕРДАДИР ИНГЛАР ЗАРҒАЛДОҚ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ВА КИЧКИНТОЙ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«КАЗАКЛАР ЗАСТАВАСИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Дружба** (12, 15, 17.10, 20.30, телефон 66-15-75).

«ҚИЗИЛ ҚЎҒИРОҚЛАР» — **2-фильм.** «МЕН ЯНГИ ДУНЁНИНГ ТУҒИЛИШИНИ КЎРГАНМАН» — **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«ХОҲИШНИНГ ЧЕГАРАСИ» — **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-35-31), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ОГОҲЛАНТИРИШ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«СУЮНЧИ» — **С. Раҳимов номли** (12, 15, 18, 21.00, телефон 48-46-71).

«БУЙРУҚ: ЎТ ОЧИЛМАСИН», «БУЙРУҚ: ЧЕГАРАДАН ЎТИЛСИН» — **Чайка** (12, 15, 18, 21.00, телефон 77-06-20).

«ЎНГДАГИ ВА ТУШДАГИ ПАРВОЗЛАР» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

12, 13, 16 МАЙ СОАТ 20.00 ДА
14, 15, 17, 18 МАЙ СОАТ 17 ВА 20.00 ДА

ЛОНДОН ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ГРЕГ БОНАМ, опа-сингил АНДЕРСЕНЛАР ва солистка ДЖЕЙН ЛОРДОН.

МАРК СТИВЕНС РАҲБАРЛИГИДАГИ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ ЖЎР БЎЛАДИ

Билетларни «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» ва Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларидан сотиб олиш мумкин.

Справкалар олиш учун телефонлар: кассалар — 46-03-12, 46-70-31; администратор — 46-07-53, 46-63-77.

«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ МУТАХАССИСЛАРИ СИЗГА ЎЗ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР.

БАҲОР КЕЛИБ, ИЛИҚ КУНЛАР БОШЛАНДИ. МИНГЛАБ ШАҲАРЛИКЛАР ЎЗ ШАҲАРЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА КУЧАЛАРГА ЧИҚМОҚДАЛАР.



Тошкент шаҳримиз баҳор да айниқса жуда гўзалдир. Шаҳримиздаги ёдгорликлар, фонтан ёки чиройли бино олдида суратга тушишни ким хоҳламайди, дейсиз. Бундай фотосурат оилавий альбомни безайди.

«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ.

ЯХШИ ТУШ КЎРАЙ ДЕСАНГИЗ... ПАР ЁСТИҚ СОТИБ ОЛИНГ

ЕНГИЛ,
ҚУРКАМ,
ЮМШОҚ
ЁСТИҚЛАР

«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА БОР.

Уларнинг катталиги 68х68 см. Баҳоси 6 сўм 50 тийиндан 10 сўм 40 тийингача.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

3 — Истиқбол кўчаси, 1-уй;
6 — Энгельс кўчаси, 94-уй;
9 — Строительная кўчаси, 1-уй;
10 — Фарҳод ярмаркаси;
11 — Энгельс кўчаси, 46-уй;
14 — 4-Қўйлиқ турар жой массиви, 21-уй;
16 — П. Морозов кўчаси, 25-уй;
18 — Сельмаш кўчаси, 1-уй;
19 — Уста Ширин кўчаси, 133-уй;
20 — ТТЗ-2 турар жой массиви, 2-уй;
24 — Шимолий-Шарқ массиви, 2-уй;
28 — Оқтепа майдони;
33 — Б. Хмельницкий кўчаси, 1-уй.



«ТАШХОЗТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

«ИЛҒОР» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



ПОЛАФЗАЛ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ҚЎПИДАГИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН УСТАХОНАЛАР

ЯНГИ ИШ РЕЖИМИГА ЎТИШДИ:

306 — Пролетар кўчаси, «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи.
701 — Космонавтлар проспекти, «Маиший хизмат шаҳарчаси».
704 — Сапёрлар кўчаси, 56-уй («Аэрофлот» кассаси ёнида).
705 — Ш. Руставели кўчаси, 75-уй («Лён» магазини ёнида).
706 — Ш. Руставели кўчаси (бозорга кираверишда).
720 — Ш. Руставели кўчаси («Самарқанд» автостанцияси).
601 — Сергели массиви, Савдо маркази.
722 — Баранов кўчаси, 54-уй.
401 — Ўзбекистон 50 йиллиги кўчаси, 5-уй.
813 — Лисунов кўчаси, Савдо маркази.
428 — Есенин кўчаси, 1-уй.
008 — Сегизбоев кўчаси («Москва», кафеси).
917 — Гагарин кўчаси, 25-уй.

Устахоналар танаффуссиз ва дам олиш кунисиз соат 8.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ЭСЛАТМА: пойафзал бошлиғини алмаштириш ишлари 704, 706, 720, 428-устахоналардан мустасно барча устахоналарда бажарилади.

«ИЛҒОР» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—84 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **токарь-универсал** (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станоклар оператори), **саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, фрезерчи электромонтажчи, машинада қолипласа бўйича қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини 4 ва 5 баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кириб ўқишни тугатганлар билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат оладилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 33 процентини оладилар.

Билим юртида доим спорт секциялари, вокаль-чолғу ансамбли, ҳалқ чолғу ансамблари ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 6 дона фотосурат (3х4 см.), таржимаи ҳоли қўшиб топширилади.

Бошқа шаҳардан келиб билим юртига кирадиганлар турар жойларидан пропискадан ўчишлари, комсомол учётидан ўчишлари лозим ва ўзлари билан ВЛКСМ аъзолигининг учёт карточкасини комсомол билетларини олиб келишлари шарт.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9; 115; 112; 72; 60, 24; 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ТВ

6 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Эртак ҳузурида меҳмонда», «Орзунинг рўёбга чиқиши». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 А. Литвиненко ижросида рус халқ қўшиқлари. 20.20 «Тириклайин қўлга олинсин». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Фан ва турмуш». 22.45 Радио кунига бағишланган концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевиденниесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Сеҳрли самовар». Мультфильм. 18.15 «Эртага — Радио куни». 19.00 Радио кунига бағишланган концерт. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан олиб кўрсатилади. 20.30 «Ахборот». (рус., ўзб). 21.05 «Мева-сабзавот марафони». Ҳужжатли фильм премьераси. («Узкинохроника»). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Ғ. Ғулом туғилган кунининг 80 йиллигига. «Шум бола». Бадиий фильм.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Она тили. 18.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 19.35 «Қўшиқ сени излаб топади». Фильм-концерт. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Реклама. 20.40 «Авлодлар эстафетаси». 21.10 «Ака-укалар. Телевизион фильм. 21.30 МТ. II.

7 МАЙ — ШАНБА

РАДИО КУНИ

Марказий телевиденненинг «Восток» программаси

9.00 «Время», 9.40 Ғалаба кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар. 10.20 «Спортлото»нинг 19-тиражи. 10.30 «АБВГДейка». 11.20 «Тириклайин қўлга олинсин». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.30 «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.00 «Поэзия». Н. Заболоцкий. 13.45 «ГДР билан учрашувлар». Кинокўрсатув. 14.05 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 14.35 «Душанба — дам олиш куни». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.20 «Дунё воқеалари». 15.35 Болалар учун фильм. «Пушчик Прагага боради». (ЧССР). 17.00 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг V халқаро фестивали. «Рустави» куйлайди» (СССР). 17.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 18.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». «Сирли одам». Телевизион илмий-оммабоп фильм премьераси. 19.05 «Ветераплар, Сизлар учун». Концерт. 20.05 «Оталар изидан борар солдатлар». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Минск). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 22.45 «Театр учрашувлари». 00.10 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденниесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Вокалистлар III Республика конкурси лауреатларининг якунловчи концерти. М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 11.20 Мактабгача ёшдаги болалар учун. «Сўз кетидан сўз келар». 11.40 Радио кунига. «Фақат бир кун». Телевизион фильм. 12.00 «Биз — ватанпарвар-интернационалистлармиз» (рус.). 12.40 «Шахмат мактаби». 13.10 «Азия». Телевизион бадиий фильм (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қувноқ камалак». Болалар учун фильм-концерт. 18.30 «Ёшлар ижоди». Радио кунига бағишланган кўрсатув. 19.00 «Оркестр чалади» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Катталар учун мультфильмлар программаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Аёл қалби наволари». Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 «Назм ва наво». Бобур лирикаси (такрорий). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва консультатив поликлиника коллективлари соғлиқни сақлашнинг кекса ходимларидан бири, поликлиника бош врачининг собиқ ўринбосари, 1944 йилдан буён КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Мухтор Тўрахўжаевич МАЪРИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Госплани ахборотларининг ҳисоблаш маркази коллективи катта инженер Р. М. Маъриповага отаси

Мухтор Тўрахўжаевич МАЪРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-56-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

6 МАЙ. 1983 й. Р—10246. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.